ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Ташматов Рустам Хусанович
Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали
rustam9837@mail.ru

Аннотация: *Ушбу тезисда давлат иштирокидаги корхоналарда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашнинг аҳамияти ва асосий ёндашувлари ёритилган бўлиб, давлат активларидан самарали фойдаланиш, корпоратив бошқарув сифатини ошириш, рискларни ўз вақтида аниқлаш ва қонунчилик талабларига риоя этишда ички назоратнинг ўрни асосланган ҳамда уни баҳолаш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *ички назорат, давлат иштирокидаги корхона, давлат активлари, риск-менежмент, комплаенс, ички аудит, корпоратив бошқарув, баҳолаш методологияси, ички назорат етуклиги, мониторинг.*

Аннотация: *В тезисах рассматриваются значение и основные подходы к оценке эффективности системы внутреннего контроля на предприятиях с государственным участием, раскрывается её роль в обеспечении эффективного использования государственных активов, повышении качества корпоративного управления, своевременном выявлении рисков и соблюдении требований законодательства, а также определяются основные направления совершенствования внутреннего контроля.*

Ключевые слова: *внутренний контроль, система внутреннего контроля, предприятие с государственным участием, государственные активы, риск-менеджмент, комплаенс, внутренний аудит, корпоративное управление, контрольная среда, методология оценки, зрелость внутреннего контроля, мониторинг.*

Abstract: *This thesis examines the importance and key approaches to assessing the effectiveness of internal control systems in state-participated enterprises, highlighting their role in ensuring the efficient use of state assets, improving corporate*

governance, identifying risks in a timely manner, and ensuring legal compliance, while also outlining the main directions for improving internal control practices.

Keywords: *internal control, internal control system, state-participated enterprise, state assets, risk management, compliance, internal audit, corporate governance, control environment, assessment methodology, internal control maturity, monitoring.*

Давлат иштирокидаги корхоналар мамлакат иқтисодиётида давлат активларини бошқариш, бюджет ва инвестиция ресурсларидан фойдаланиш, стратегик тармоқларни ривожлантириш ҳамда давлат ва аҳоли олдидаги иқтисодий мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли мазкур корхоналарда бошқарув қарорларининг сифати давлат активларининг сақланиши ва улардан самарали фойдаланилиши, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, корпоратив бошқарув шаффофлиги, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва қонунчилик талабларига риоя этиш билан бевосита боғлиқ.

Бундай шароитда ички назорат тизими корхонанинг алоҳида назорат тадбирлари йиғиндиси эмас, балки корпоратив бошқарув, рискларни бошқариш, ахборот алмашинуви, комплаенс ва мониторингни қамраб олувчи яхлит бошқарув механизми сифатида қаралиши лозим. Ички назорат тизимини баҳолашнинг асосий мақсади унинг расмий мавжудлигини эмас, балки белгиланган мақсадларга эришишда амалда қанчалик самарали ишлаётганини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади давлат иштирокидаги корхоналарда ички назорат тизими етуклиги ва самарадорлигини комплекс баҳолаш имконини берувчи методологик ёндашувни шакллантиришдан иборат. Ушбу ёндашув назорат муҳити, рискларни баҳолаш ва бошқариш, назорат тартиб-таомиллари, ахборот ва коммуникация, мониторинг ва такомиллаштириш каби бешта асосий компонентга асосланади.

Ички назорат тизимини комплекс баҳолашда унинг ўзаро боғлиқ элементларини алоҳида кўриб чиқиш муҳим. Ҳар бир компонент корхонада назоратнинг муайян жиҳатини ифодалайди, уларнинг биргаликдаги баҳоси эса ички назорат тизимининг умумий етуклик даражасини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, ички назорат тизимининг самарадорлигини комплекс баҳолашда асосий эътибор унинг бешта ўзаро боғлиқ компоненти — назорат муҳити, рискларни баҳолаш ва бошқариш, назорат тартиб-таомиллари, ахборот ва коммуникация, мониторинг ва такомиллаштиришнинг ҳолати ҳамда ўзаро мувофиқлигига қаратилади (1-жадвал).

Назорат муҳити ички назорат тизимининг институционал асосини ташкил этади. У раҳбариятнинг қонунийлик, ҳалоллик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига муносабати, вазифа ва ваколатларнинг аниқ тақсимланганлиги, этика ва коррупцияга қарши механизмлар, манфаатлар тўқнашувини бошқариш ҳамда хабар бериш каналларининг мавжудлиги билан белгиланади. Рискларни баҳолаш ва бошқариш компоненти корхона фаолиятидаги стратегик, молиявий, инвестицион, операцион ва ҳуқуқий рискларни тизимли равишда аниқлаш ва бошқаришни назарда тутади. Рисклар реестрини юритиш, муҳим рисклар бўйича масъулларни белгилаш ва уларни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш ушбу жараённинг муҳим элементларидир.

1-жадвал.

Ички назорат тизимини баҳолаш компонентлари[16]

№	Компонент	Асосий мазмуни
1	Назорат муҳити	Раҳбариятнинг назоратга муносабати, ваколат ва масъулиятларни тақсимлаш, этика, коррупцияга қарши механизмлар
2	Рискларни баҳолаш ва бошқариш	Рискларни аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш, масъулларни белгилаш ва уларни камайтириш
3	Назорат тартиб-таомиллари	Бизнес жараёнларида профилактик ва детектив назоратларни ташкил этиш
4	Ахборот ва коммуникация	Ишончли ахборотни шакллантириш, сақлаш, узатиш ва раҳбариятга ўз вақтида етказиш
5	Мониторинг ва такомиллаштириш	Назоратларни мунтазам кузатиш, камчиликларни бартараф этиш ва тизимни такомиллаштириш

Назорат тартиб-таомиллари харидлар, шартномалар, молиявий операциялар, активларни бошқариш, тўловлар ва бухгалтерия ҳисобидаги муҳим жараёнларни қамраб олади. Назоратларнинг самарадорлиги уларнинг ҳужжатларда мавжудлиги билан эмас, балки амалда ишлаши билан белгиланиши керак. Ахборот ва коммуникация компоненти бошқарув қарорлари учун зарур бўлган маълумотларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини таъминлашга қаратилган. Мониторинг ва такомиллаштириш эса ички назорат тизимининг узлуксиз ривожланишини таъминлайди.

Ички назорат тизимининг ҳар бир компоненти самарадорлигини объектив

[16] Муаллиф ишланмаси

баҳолаш унинг асосий функциялари ва назорат механизмларини ифодаловчи аниқ мезонларни белгилашни талаб этади. Ушбу мезонлар асосида баҳолаш натижаларининг қиёсланувчанлиги ва тизимнинг умумий етуклик даражасини аниқлаш имкони яратилади (2-жадвал).

2-жадвал.

Ички назорат тизимини баҳолаш мезонлари[17]

Компонент	Баҳолаш мезонлари
Назорат муҳити	Раҳбариятнинг назоратга муносабати; функция, ваколат ва масъулиятларнинг аниқлиги; этика ва коррупцияга қарши механизмлар; номос функцияларни ажратиш; хабар бериш каналлари
Рискларни баҳолаш ва бошқариш	Рискларни аниқлаш; баҳолаш ва ҳужжатлаштириш; рисклар реестри; рисклар бўйича масъулларни белгилаш; рискларни камайтириш ва эрта огоҳлантириш механизмлари
Назорат тартиб-таомиллари	Асосий жараёнларда назорат нуқталари; тасдиқлаш ва ваколатлар тизими; функцияларни ажратиш; автоматлаштирилган назоратлар; назорат натижаларини ҳужжатлаштириш
Ахборот ва коммуникация	Ахборотнинг ишончлилиги; ўз вақтидалиги; ҳужжат айланмаси; раҳбариятга ҳисобот бериш; камчиликлар ва қоидабузарликлар реестри
Мониторинг ва такомиллаштириш	Доимий мониторинг; даврий баҳолаш; аудит тавсияларини бажариш; камчиликларни бартараф этиш мониторинги; назорат тизимини такомиллаштириш

Таклиф этилаётган методологияда ҳар бир компонент бўйича бештадан мезон белгиланади. Натижада ички назорат тизими жами 25 та мезон асосида баҳоланади. Ҳар бир мезон 1 баллдан 5 баллгача баҳоланиб, максимал натижа 125 баллни ташкил этади.

Беш баллик шкала ички назорат тизимининг фақат мавжуд ёки мавжуд эмаслигини эмас, балки унинг етуклик даражасини ҳам ифодалаш имконини беради.

Шунинг учун ички назорат тизимининг ҳар бир мезонини бир хил ёндашув асосида баҳолаш мақсадида беш баллик шкала қўлланилади, бунда баллнинг ошиши назорат механизмларининг мавжудлигидан ташқари, уларнинг тизимлилиги, амалдаги самарадорлиги ва такомиллаштириш даражасини ҳам ифодалайди (3-жадвал).

[17] Муаллиф ишланмаси

3-жадвал.

Баҳолаш шкаласи[18]

Балл	Назорат тизимининг ҳолати
1	Назорат мавжуд эмас ёки жуда заиф
2	Назорат қисман мавжуд, тизимли эмас
3	Назорат мавжуд ва асосан ишлайди, бироқ камчиликлар бор
4	Назорат тизимли, ҳужжатлаштирилган ва самарали ишлайди
5	Назорат етук, барқарор ва мунтазам такомиллаштирилади

Бунда юқори балл қўйиш учун фақат ички ҳужжатнинг мавжудлиги етарли эмас. Назоратнинг амалда ишлаётганини тасдиқловчи объектив далиллар – операциялар намуналари, ҳисоботлар, тасдиқлаш излари, ахборот тизимлари журналлари, аудит материаллари ва бошқа ҳужжатлар ҳам инобатга олиниши лозим. Шу жиҳатдан баҳолашда «ҳужжат мавжуд» ва «назорат амалда ишлаяпти» тушунчаларини ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ёндашув формал баҳолаш хавфини камайтиради ва натижаларнинг объективлигини оширади.

Баҳолаш натижасида ҳар бир мезон бўйича олинган баллар йиғилади. Максимал натижа 125 баллга тенг бўлганлиги сабабли ички назорат тизимининг умумий етуклик даражаси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\boldsymbol{E = \frac{S}{125}\ x\ 100}$$

бу ерда $\boldsymbol{E}$ – ички назорат тизимининг умумий етуклик даражаси, фоизда; $\boldsymbol{S}$ – баҳолаш натижасида олинган жами балл; **125** – максимал балл.

Мазкур формула асосида аниқланган натижалар ички назорат тизимининг етуклик даражасини ифодаловчи белгиланган интерваллар билан таққосланиб, тизимнинг умумий ҳолати ва такомиллаштириш эҳтиёжини баҳолаш имконини беради (4-жадвал).

4-жадвал.

Ички назорат тизими етуклик даражасини талқин қилиш[19]

Натижа	Етуклик даражаси	Умумий тавсиф
90–100%	Жуда юқори	Назоратлар етук, тизимли ва доимий такомиллаштирилади
75–89%	Юқори	Назоратлар асосан самарали, айрим камчиликлар мавжуд

[18] Муаллиф ишланмаси
[19] Муаллиф ишланмаси

60–74%	Ўрта	Асосий назоратлар мавжуд, аммо такомиллаштириш талаб этилади
40–59%	Паст	Назорат тизимида сезиларли камчиликлар мавжуд
0–39%	Танқидий паст	Назорат тизими заиф ёки етарли даражада шаклланмаган

Умумий натижани талқин қилишда фақат жами баллга эътибор қаратиш тўғри эмас. Алоҳида компонентлардаги паст кўрсаткичлар умумий фоиз юқори бўлган тақдирда ҳам жиддий риск манбаи бўлиши мумкин. Шунинг учун баҳолаш натижалари компонентлар ва мезонлар кесимида ҳам таҳлил қилиниши зарур.

Давлат иштирокидаги корхоналарда ички назорат тизимини баҳолашда ҳуқуқий комплаенс алоҳида аҳамиятга эга. Давлат активларидан фойдаланиш, давлат харидлари, молиявий ҳисобдорлик, корпоратив бошқарув ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ мажбурий талабларга риоя қилиниши ички назоратнинг ишончлилигини таъминловчи муҳим шарт ҳисобланади. Шу сабабли баҳолаш жараёнида ҳуқуқий комплаенс-фильтрдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жиддий ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатда корхонанинг бошқа компонентлар бўйича юқори натижалари мазкур камчиликларни автоматик равишда қопламаслиги керак.

Ички назорат тизимида функцияларнинг аниқ ажратилиши ҳам муҳим. Жараён эгалари назоратларни амалга оширади, риск-менежмент рискларни бошқаришни мувофиқлаштиради, комплаенс қонунчилик ва ички талабларга риоя этилишини мониторинг қилади, ички аудит эса мустақил ва объектив баҳолашни амалга оширади. Функцияларнинг аралашиб кетиши «ўзини ўзи назорат қилиш» хавфини кучайтиради ва ички аудитнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ички назорат тизимини баҳолаш объектив далилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Баҳолаш жараёнида корхонанинг ички сиёсат ва низомлари, рисклар реестри, молиявий ва бошқарув ҳисоботлари, аудит материаллари, харид ҳужжатлари, шартномалар, бошқарув органлари баённомалари, ахборот тизимлари маълумотлари ва бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин. Баҳолаш жараёни шартли равишда баҳолаш объекти ва мезонларини белгилаш, зарур ҳужжат ва далилларни йиғиш, мезонлар бўйича балл қўйиш, компонентлар кесимида натижаларни ҳисоблаш, умумий етуклик даражасини аниқлаш, камчиликларни қайд этиш ва уларни бартараф этиш

чораларини белгилаш босқичларидан иборат.

Баҳолаш натижаси фақат рейтинг ёки фоиз кўрсаткичи сифатида қолиб кетмаслиги керак. Аниқланган камчиликлар бўйича масъул шахслар, амалга ошириладиган чоралар ва бажариш муддатлари белгиланиши, кейинги мониторингда эса чора-тадбирларнинг ҳақиқатда бажарилгани ва муаммонинг бартараф этилгани текширилиши зарур. Шу тариқа мониторинг ички назорат тизимини доимий такомиллаштириш механизмига айланади.

Ички назорат тизимини баҳолаш камида йилда бир марта амалга оширилиши мумкин. Корхонанинг бизнес модели, мулкчилик тузилмаси, қонунчилик, ахборот технологиялари ёки рисклар муҳитида сезиларли ўзгаришлар юз берганда қўшимча баҳолаш ўтказиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, муҳим қоидабузарликлар ёки назорат камчиликлари аниқланган ҳолатларда қайта баҳолаш ички назорат тизимининг ҳолатини объектив аниқлаш имконини беради.

Таклиф этилаётган методологиянинг муҳим жиҳати ички назорат тизимини «назорат бор» ёки «назорат йўқ» деган икки ҳолат билан чекламасдан, унинг етуклик даражасини баҳолаш имконини беришидир. Бунда назоратларнинг институционаллашуви, ҳужжатлаштирилиши, амалда ишлаши, рискларга мослиги, мониторинг қилиниши ва такомиллаштирилиши ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, давлат иштирокидаги корхоналарда ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашнинг беш компонентли ва 25 мезонга асосланган модели корхонадаги назорат муҳити, рискларни бошқариш, амалий назорат процедуралари, ахборот-коммуникация ва мониторинг ҳолатини комплекс баҳолаш имконини беради. 1–5 баллик шкала ва 125 баллик максимал натижа асосида шакллантириладиган умумий кўрсаткич корхоналарнинг ички назорат тизими етуклигини баҳолаш ва унинг заиф жиҳатларини аниқлаш учун қулай инструмент ҳисобланади.

Мазкур ёндашувнинг амалий аҳамияти шундаки, ички назорат самарадорлиги фақат мавжуд ҳужжатлар билан эмас, балки назоратларнинг амалда ишлаши, рискларга мослиги, ҳуқуқий талабларга риоя қилиниши, масъулиятларнинг аниқ ажратилганлиги ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш натижалари билан баҳоланади. Шу нуқтаи назардан ушбу методология давлат активларини самарали бошқариш, корпоратив бошқарув сифатини ошириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ва коррупциявий хавфларни камайтириш ҳамда бошқарув қарорларининг сифатини ошириш учун методик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ички назорат тизимини тизимли ва далилларга асосланган тарзда баҳолаш давлат иштирокидаги корхоналарда назорат механизмларининг реал ҳолатини аниқлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш имконини беради. Беш компонентли баҳолаш модели ички назоратни алоҳида текширув функцияси сифатида эмас, балки корпоратив бошқарув ва рискларни бошқариш билан интеграциялашган узлуксиз бошқарув механизми сифатида ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 мартдаги ЎРҚ-821-сон «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси «LexUZ». – URL: https://lex.uz/docs/6401697

2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси «LexUZ». – URL: https://lex.uz/docs/6952742

3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси «LexUZ». – URL: https://lex.uz/docs/3088008

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси «LexUZ». – URL: https://lex.uz/docs/5382974

5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси «LexUZ». – URL: https://lex.uz/docs/5307886

6. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission (COSO). Internal Control-Integrated Framework. – Durham, NC : COSO, 2013. — URL: https://www.coso.org/internal-control

7. The Institute of Internal Auditors. Global Internal Audit Standards. — Lake Mary, FL : The Institute of Internal Auditors, 2024. — Effective January 9, 2025. — URL: https://www.theiia.org/en/content/standards/complete-global-internal-audit-

standards/?utm_source=chatgpt.com